

Ташрифлар давом этмоқда



23:33 / 30.07.2021 2234

Уламоларимизнинг жанубий вилоятга ташрифлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов Бойсун туманидаги “Авлод”, Қизириқ туманидаги “Боғистон” маҳаллаларига ташриф буюриб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга совғалар улашди.

Ташриф асносида ёши улуғ инсонлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Жумладан, Хуррам бобо Аллабердиев, Зиёдулла бобо Ортиқов зиёрат қилиниб, уларнинг дуолари олинди.

Шунингдек, Эргашали домла Бойсун туманидаги “Авлод” ҳамда Қизириқ туманидаги “Мулла Остонақул” жоме масжидларида, Саййид Раҳматуллоҳ Термизий Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги “Хўжа

Самандар" жоме масжидида, Тошкент шаҳрининг Яккасарой жоме масжиди имом-хатиби Тошанов Салоҳиддин домла Қумқўрғон туманидаги "Аҳадхон" жоме масжидида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани бош имом хатиби Қувондиқ домла Боймуродов Шеробод тумани "Шеробод" жоме масжидида, ташриф буюриб, пешин намозидан сўнг, намозхонларга мавъиза қилиб бердилар.

Мавъизада мўмин-мусулмонларга сўнгги йилларда юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапириб, шукрнинг фазилатлари баён этилди. Дилдан қилинган суҳбатлар савол-жавобларга уланиб, намозхонларда катта таассурот қолдирди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

